

КИШЛОК ХУЖАЛИГИ

1991 йил 31 май
ЖУМА
№ 103 (5.145)
БАҲОСИ 8 ТИЯН

Ўзбекистон Коммунистик партияси
Марказий Қўмитасининг рўзномаси

1974 йил 1 январдан чиқа бошлаган

Ҳафтада беш марта чоп этилади

ҲОСИЛ ЧЎҒИ

Тошкент вилояти пиллакорларни ҳосилга териб олишнинг авж олдирмоқдалар. Ҳар тола тарозидан ўтиб, ялпи надан олиб кетди. Пиллакор, Ғалаба, Оржоникиде йиллакорларнинг қилишмоқда.

Шуни айтиш керакки, бу йил об-ҳаво пиллакорлар учун унча қулай келмади. Егин-сочининг кўп бўлиши натижасида тут барглари эрта етилди, бироқ уруғларни парваришда қатор қийинчиликларга дуч келинди. Хоналарда намликнинг кўпайиб кетиши натижасида пиллакорларнинг бошқа хоналарга кўчириб шомоллатишга тўғри келди. Бундай қараганда бу йил оддий бўлиб туюлса-да, кўп меҳнат талаб қилди.

— Мана энди қийинчиликлар ортада қолди, — дейди вилоят пиллакорлик бирлашмасининг бош агрономи А. Азизов. — Дастлабки ҳисобларга қараганда, бу йил етиштирилган пилланинг чўғи яхши, толеси ҳам сифатли. Вилотда бу йил 35636 қўти инак қўрти 12 район жамоа ва давлат хўжаликларидан 30 миң хонадонга тарқатилди. Пилланинг янги «Андижон-1,2», «Фарғона-5», «Барақа» ҳамда «Бахт» навлари парвариш қилинди. Ҳадемай 1850 тонналик маррага эришамиз.

— Буларнинг ҳаммаси яхши. Бироқ пиллага қанча ҳақ тўланмоқда?

Пиллакорлар билан суҳбатлашсангиз, улар ҳали машаққатли меҳнатларига яраша рағбатлантирилмаётганлигининг гувоҳи бўласиз. Тўғри, андиликда ҳар килограмм сара ҳосил учун пиллакор 18 сўм 56 тијин ҳақ олиши мумкин. Аммо ҳосилнинг ҳаммаси сара бўлавермайди-ку. Бу ҳолда унга камроқ ҳақ тўланади.

Яна бир муаммо: ҳали жойларда махсус пиллакорлар йўқи. Хонадон соҳибни ўз уйида тинчи ва ҳаловатидан кечиб бўлса ҳамки йиллар давомида бу савобни ишга бажариб келмоқда. Уларга ижара, электр қувватидан фойдаланганлик учун ҳақ тўлаш ҳақида гапирмиш-у, амалда ҳали бирон-бир чора қўрилган йўқи. Бу борада фарғоналиклар тўғри иш қилишди — ҳар килограмм пилла учун қўшимча 5 сўмдан ҳақ тўлашга қарор қилинди. Биз ҳам шундай имкониятларни қидириб топмоқчимиз.

П. НИШОНОВ,
ЎзТАГ мухбири.

ПИЛЛА ХИРМОНИГА БАРАКА



СУРАТДА: 1. Район пилла қабул қилиш пункти агрономи А. Алиев ва Р. Аллаёрова кумуш тола сифатини кўздан кечиришайти. 2. Т. Умарова ҳосилдан мамнун.

Б. САФАРОВ
олган суратлар.

Бекобод районидagi Держинский номида жамоа хўжалигининг илгор ишакчилари Рафоат Аллаёрова ва Тожиқон Умарова хўжаликда биринчилардан бўлиб пилла теришга киришдилар. Улар ҳар қўти янак қўртдан 150 килограммдан хом ашё топириш учун курашмоқдалар.

ДАСТЛАБКИ ҒАЛАБА

Навоий районидagi «Нарпай» давлат хўжалиги пиллакорлари йиллик топшини урдаладилар. Эл хирмонига режадан 23,4 тонна урнига 24 тонна аъло навали хом ашё етказиб берилди. Хўжалик бўйича ҳар қўти қўрт уруғидан ўртача 80 килограммдан ҳосил етиштирилди.

Бу ерда моҳир кумуш тола ижодкорлари кўп бўлиб кетди. Улар жорий йилда ҳам бой тажрибаларини ишга солиб, қувончи натижаларини қўлга киритдилар. Назокат Хўжакулова, Вибражаб Очилова, Рухсатой Жумаева, София Эргашева, Ойша Мирзаева кабилар 200—350 килограммдан пилла тайёрлаб берилди.

Хўжаликда хом ашё топириш қизгин давом этмоқда. Пиллакорлар яна икки тонна кумуш тола сотиши мўлжаллашапти.

В. НОСИРОВ,
«Кишлоқ ҳақиқати»
мухбири.

ЮҚОРИ УНУМ БИЛАН

Вобкент районидagi Калинин номида жамоа хўжалиги иқтисодиётининг асосини пахтачилик ташкил этади. Шу боис оқ олтун усталари маъзур соҳани янада ривожлантириш, ундан олинмайдиган даромад миқдорини ошириш пайида бўлишайти. Азаматлар жорий йилда 824 гектар майдонда деҳқончилик қилишмоқда. Ҳосилдорликни гектар ҳисобига 30 центнерга етказиш уларнинг эзгу мақсадларига айланган.

Яқинда пахтакорлар амалга ошираётган ишлар билан танишдик. Далаларда иш қизғин. Бир пайкалда чопиқ тракторлари билан жуяклар юмшатилётган бўлса, иккинчисида экинни бегона ўтлардан тозалаш авжида.

— Бутун диққат-эътибор парваришга қаратилган, — дейди жамоа хўжалиги бошқаруви раиси Муҳтарам Наврўзова. — Чунки қўзда кўтариладиган хирмон бургунги ҳаракатимизга боғлиқ. Кечаги кучли ёмғир туфайли пайдо бўлган қатқалоқни тугатишга барча ишчи кучи сафарбар этилди. Даладарда 20 та культыватор унум билан ишлатилмоқда. Улар ердамида кунга 80—100 гектар майдондаги ғўза қаторларига сифатли ишлов берилаяпти. Бу муҳим тадбир айнақса, Султон Давлатов, Холиқ Жумаев, Музаффар Жумаев ва Нахим Раҳимов бошлиқ бригадаларда тез ва соз ўтказилапти.

СССР Президентини кечқурун Чимкент вилояти билан танишишни тугаллаб, Олмаотага келди.

В. АКИМОВ,
В. БЕЗРЕЖНИЙ,
Г. ГРОЙСЕР,
В. ТАЛАНОВ.

КАСБИМИЗ МАСЪУЛИЯТИ

граммдан пилла топиришга эришиб келямиш.

Бу йилги мавсумга пухта тайёргарлик қўрилди. Қўрт боқилдиган хоналар сифатли таъмирланди. Илгорлар таърибаси кенг омаллаштирилди. Ингилишларда раҳбар ва мутахассислар олдиқа қатъий талаблар қўйди. Улар бу йилги об-ҳаво шартини ҳисобга олиб, гам-хўрликни кучайтирдилар.

Егингарчиликнинг кўп бўлиши қўрт ривожга салбий таъсир ўтказди. Хоналарда намлик олиб кетди. Мутахассислар ердамга келишди. Туну кун тиним нималгинини билмадик. Энг ноаниқ дамларда хона ҳарорати 24—25 даражага атрофида сақланди.

Сифатли уруғда гап қўп. Самарқанддаги заводда етиштирилётгани бизга фойда маъқул. Негаки, уруғ ўзининг касалликка чидамлили-

ги, ҳосилдорлиги билан аниқлаб турди. Фаолитимизда ҳал қилувчи дамлар бошланди. Кун сайин давлатга қўлаб пилла топиришмоқда. Ниятимиз ҳар кундан намида 90 килограммдан кимматли хом ашё олиниди. Эвенонимиз аъзолари шу қисталган дамларда бир-бирларига ҳамкор, маддакор бўлмоқдалар. Шубҳа йўқи, бу йил ҳам йиллик режа зиёдаси билан адо этилади.

Г. АМИНОВА,
Нарпай районидagi «Иттифоқ» жамоа хўжалиги пиллачиси.

ДЕҲҚОН ЕР ЭГАСИ БЎЛГАНИДАН ХУРСАНД

М. С. ГОРБАЧЕВНИНГ ҚОЗОҒИСТОН КИШЛОҚ АҲЛИ БИЛАН УЧРАШУВЛАРИ

ЧИМКЕНТ. 28 май. (ТАСС—ЎзТАГ) махсус мухбирлари). СССР Президенти М. С. Горбачев Қозоғистон бўйлаб сафарни давом эттириб, бугун Қўча-Товдан Чимкентга келди. Жумҳуриятда бўлишининг иккинчи кунини иш режалари давлат бошлигининг аграр соҳадagi ишларнинг аҳволи билан танишишни давом эттириш ниятидан дарак берди.

Бу жиҳатдан Чимкент вилояти эътиборга олинди диёр. Биринчидан вилоятда қишлоқ хўжалиги билан шугулланиш учун шароит жуда қулай. Вилот чорвачилик билан ҳам, деҳқончилик билан ҳам, сабзавотчилик билан ҳам машғур, вилот худудиди мева ҳам кўп етиштирилади.

Иккинчидан, Чимкент деганининг қишлоқ меҳнатчилари хўжалик ички муносабатлари янги шакллари билан фаол тарафдорлари эканликларини кўрсатдилар. Бу ерда давлат-кооператив ҳамда ижарачи ишлаб чиқариш бирлашмалари, деҳқон хўжаликларининг уюшмалари ва иттифоқлари тuzилган. Жамоа ва давлат хўжаликларининг аксариятида ҳисоб-китоб қилинишига у ёки бу усулга асосланган ижара шартномалари тuzилган. 250 та мустақил деҳқон хўжалиги тобора мустақкам оёққа туриб олмақда, улар гўшт ва сабзавот, пахта ва маккажўхори етиштирмоқда. Фермерларнинг кўпчилиги давлатдан олган қарзларини

тўлаб бўлди ва техника билан иморатларини ўз маблағи ҳисобига сотиб олишга тайёр. Жумҳуриятда ўнлаб фермер хўжаликларини пул билан таъминлаётган дастлабки деҳқонлар банки пайдо бўлди.

Ижарачи деҳқонларнинг ишлари ва таъшишлари, уларнинг ютуқлари ва муаммолари Михаил Сергеевич улар билан суҳбатлашган пайда мавзу бўлди. Суҳбатлар бевосита далада бўлиб ўтди. Бундай суҳбатлар Партия XXI съезди номида давлат хўжалигида Султон Жакиповнинг сабзавотчилик бригадасида, М. Киров номида давлат кооператив бирлашмаси ижарачиси Алтинбек Зулпиев, «Бўржар» давлат хўжалигининг Нурмахан Ордабеков бош қўпоқли қишлоқ чўпон-чўлиқлари ҳузурида бўлиб ўтди.

Табийки, бу суҳбатларда рақамлар ҳам, тонналар ҳам, центнерлар ҳам тилга олинди. Уларнинг ҳаммасини тақрирлаб ўтирмай, манзарани тушуниб олиш учун баъзиларини келтирамиз. С. Жакиповнинг олтинга оила меҳнат қилаётган сабзавоткорлар бригадаси 83 гектар ерни ижарага олиб, қарам, помидор, бодринг, сабзи, қалампир, бақлажон, қовоқ, пизе, лавлаги етиштирмоқда. Ҳосилдорлик гектарига 240 центнер. Ижарачи А. Зулпиевда 50 гектар ерда ҳаммаси бўлиб 5 киши ишлайди. Улар ўтган йили дон учун маккажўхори етиштириб, гектар ҳисобига 78

центнер ҳосил олдилар, бу йил 90 центнерни қўлашайпти.

Бундай натижаларни маънаси арзийди. Лекин бошқа жиҳатди диққатга сазовор. Президентнинг суҳбатларида ишчи ишларини ўзлари хал эғиб ўрганиб қолган мустақил одамларга хос бўлган қандайдир алоҳида эркинлик ва ишонч руҳи сезилди турарди. Михаил Сергеевичнинг «Кайфиятлар қандай?», деган саволига улар баставарига «Яхши!» деб жавоб қайтардилар. Шоҳидлар сифатида айтганимиз, жаовб чин қалбдан айтилган ва самимий эди. Бу эркаклар, аёллар, уларнинг болалари ишда катталарга назар ташлашнинг ўзи кифоя. Ҳа, кичкинлар ишда катталарга ердан бердилар. Буни Михаил Сергеевич қадрлаб, «болаларнинг ишликдан ерга қўниқилари яхши, уни кўпроқ севадиган бўлишмади», деди.

Зеро, бу деҳқонларнинг азалий қондаси: оиланинг ҳамма аъзолари биргаликда меҳнат қиладилар. Аҳилик ва манфаатдорлик билан меҳнат қиладилар. Эндиликда инсон учун у ерда ёлланма ишчи эмас, балки ерининг хўжайини бўладиган шароит яратилганлиги туфайли оила аъзоларининг биргаликда меҳнат қилиши мумкин бўлиб қолди. Мулк эгасининг аса руҳияти ҳам шунга хос. У ҳеч нарсани беҳуда, қўл учиди бажармайди, ҳеч нарсани қўлдан бермайди, фойда олиш учун ҳаммасини ҳисоблаб чиқайди. Масалан, А. Зулпиев ўзининг кўп миң сўм-

ТЕЗ ВА СОЗ

Арнасой районидagi Юлиус Фучик номида давлат хўжалиги даладарига ғўза парвариш зўр уюшқоқлиги билан олиб борилди. 30 та чопиқ трактори билан кунга хўжаликнинг 180—200 гектар майдондаги ғўза таги сифатли юмшатилмоқда.

Амалдаги йилда колхоз пахтакорлари тўла ижара пудрати асосида меҳнат қилишга ўтишди. Ўз ишнинг тадбиркорлари эндиликда юқоридан кўрсатма кутмай, ҳар бир агротехник тадбирни муддатда амалга оширишайпти. Эргаш Қўшмурад саркорлик қилаётган бригадаларда ғўза таги ишчи гувоҳи бўлди.

— Чўлга келиб, деҳқончилик қилаётганимга ҳам ўн йил тўлди, — дейди эвенонимиз бошлиғи Асрор Баратов. —

Бултур ҳар гектар майдондан 29 центнерлик хирмон ўлдик. Бу йил хўжалик бригадани шартнома тuzиб, 34 гектар майдонни узоқ муддатга ижарага олди. Об-тобда чигит қиладиган пайкалларда чигит қиладиган тўрт иш кунини ишқосига етказилди. Уруғ бир текис унб чигит. Ҳозир ғўза қатор оралиғига ишлов бериш, усимлинини оби-ҳаётга қондириш авжида. Барча ижарачи эвенонимизларда ғўзани яғналаш ҳамда бегона ўтлардан тозалаш сифатли амалга оширилди. Ҳа, Асрор Баратов сингари тажрибали пахтакорлар ердан зар ундириш мақсадида тиним билишмайпти. Мирзаҷўл ана шундай омиқкорлар меҳнати туфайли кун сайин бўстонга айланиб бормоқда.

Х. ҲАМРОЕВ.

УЮШҚОҚЛИК

Ўрта Чирчиқ районидagi «Ленин йўли» жамоа хўжалиги пахтакорлари жорий йилда 1480 гектар ерга баракани уруғини қадлашган. Азаматлар айна дамида гектарлар ҳосилдорлигини 28,5 центнерга етказиш ниятида астойдил тер тўкишайпти. Айниқса хўжаликнинг Ботирбой Шерматов етакчилиги қилаётган 17-бригада аъзолари кундалик дала юмушларини қизгин авж олдирмоқда.

Миршорлар 65 гектар майдондан 360 тонна «оқ олтун» етиштиришга аҳд қилишган. Меҳнат жамоаси даладарига ғўза парвариши зўр уюшқоқлиги билан олиб борилаяпти. Шерали Тангиров, Уктамали Сатторбоев, Тулган Давлатов, Малик Соинов, Бойтурмон Холжигитов, Салима Шерматова, Каромат Хўжамурадона каби дала аршундорлари кунлик иш нормаларини 1,5—2 ҳиссадан ошириб, барчага намуна бўлмоқдалар.

Хўжаликда меҳнатчиларнинг маданий-маънавий турмушини яхшилашга алоҳида аҳамият берилди. Ингирмата замонавий дала шийони, кўча кутубхона ва савдо дўконлари улар хизматда. Пахтакорларнинг унумли меҳнатдан сўнг маданий ҳордиқ чиқариши учун барча қулайликлар мавжуд. Бундан руҳланган деҳқонларнинг янада баракалироқ меҳнат қилишга интилиши табиий.

Э. ТўЛАГАНОВ,
У. МУҲАМЕДОВ.

ҚУТЛУГ НИЯТ

Ўзбекистон районидagi Муқимий номида жамоа хўжалиги сабзавоткорлари кунни кеча қувончи ютуққа эришишди: эртаги қарам тайёрлаб иллик режаси ошириб бажарилиди. Миришкорлар эрта баҳорда 57 гектар майдонга қўчат ўтказишган. Бу майдонлардан 1032 тонна ўрнига 1050 тонна махсус этиштирилди олинди. Муваффақиятга Алиқон Ҳасанов, Акрамжон Акбаров, Фозилжон Каримов,

Маннон Бонисонов бошлиқ бригадаларнинг аъзолари катта ҳисса қўшдилар. Яна 100 тонна қарам ҳосили саранжомлаш мўлжалланмоқда.

Умуман сабзавоткорлар 365 гектар майдонга турли эканлирини парваришлайшайпти. Уларнинг нияти — аҳоли дастурхонига 10 миң тонна ҳар хил ноз-неъматлар етказиб бериш.

А. УСМОНОВ.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Президентининг фармони «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» ЖУРНАЛИ ХОДИМЛАРИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Кўп йил самарали меҳнат қилгани, ўзбек совет адабиётини тарғиб этишда кўрсатган хизматлари, ижтимоий-сиёсий турмушда фаол иштирок этгани учун журнал ташкили топган кунининг 60 йиллиги муносабати билан қуйидагиларга фахрий унвонлар берилсин:

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби»: Мухторов Омон Сулаймонович — бош муҳаррир ўринбосари.

«Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган маданият ходими»: Абдуллаев Ортиқбой Абдуллаевич — танқид ва адабиётшунослик бўлимининг мудири.

Иброҳимов Турсун — катта адабий ходим Қаҳҳоров Тоҳир — наср бўлимининг мудири. Қуйидагилар Ўзбекистон ССР Фахрий ёрлиғи билан мукофотлансин:

Аҳмедов Музаффар Усмонович — адабий ходим Ҳайдарова Фариди — машинистка.

Ўзбекистон Совет Социалистик Республикасининг Президентини И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 29 май.

РЎЗНОМАНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ

АНДИЖОН. 30 май (ЎзТАГ). Бугун турли еш ва касбада андижонликлар «Коммунист» вилоят рўзномасининг 70 йиллигини тантанали ишонлаш мақсадида Навоий номидаги маданият ва истироҳат боғига тўпланишди.

Тантаналарнинг қатнашчилари вилоятдаги етакчи журналистлар, ёзувчилар, шoirлар билан, Тошкент, Ўзбекистоннинг бошқа вилоятлари, қўшни жумҳуриятлардан келган адабиётчилар билан учрашдилар. Ошкоралик ва фикрлар хилма-хиллиги шароитида журналистлар иштини явада яхшилаш йўллари ҳақида муштарийлар билан ижодкорлар

ўртасида муфассал суҳбат бўлди.

Вадий ҳаваскорлик жамоалари, санъаткорлар байрам қатнашчиларига концерт қўйиб беришди.

Байрамда Андижон замини эҳсонларининг Ёйма савдоси ташкил этилди, халқ истеъмоли моллари кўргазма савдоси бўлди.

Юбилейга бағишланган кечада Андижон вилоят партия комитетининг биринчи котиби, халқ депутатлари вилоят Советининг раиси К. Х. Холмиров ва чўқма сўзлади. Юбилей тадбирларида тожикистонлик ва қирғизистонлик меҳмонлар иштирок этишди.

Бизнинг мусохаба

ЯШИЛ МЎЪЖИЗА

Митти жонотлар кўзга кўринмас-да, уларни ҳор-отроф-дан тасвиқчи топиш мумкин. Мутахассислар бир грамм тупроқдан истакчида 2-3 миллионга яқин тирмик мавжудот ётиш қилинган...

Хар бир ҳўжалик экин майдонининг ҳажмига қараб хлорелла парваришлайдиган қўрилмаларни ишлашнинг керак. Ивнител меърири асосида бир тонна чийтага...

Мухтарам домла, кейинги пайларда пахта ҳосилдорлигини оширишда хлорелланинг аҳамияти ҳақидаги гаплар тез-тез кўзга чалинмоқда. Айтгин-чи, хлорелла ўзи нима? У тупроқ тузилишига ва ўзганинг ўсиш жараянига қандай таъсир қўрсади?

Исмоил ака, кейинги кунларда кўлаб ёриларчиликлар бўлди. Табиий офат туфайли айрим майдонларга қайтадан уруғ қадашга тўғри келипти. Сизнингча, бу йил яшил мўъжизадан кўпроқ фойдаланиш керакми?

Дан, азотнинг 40-45, фосфорнинг 15-20 фоизини ўзлаштирилади, ҳолос. Қолгани суғориш натижасида ерининг чуқур қатламларига ювилиб ёки ҳавога учиб кетди. Улар ўзганинг ривожланиши учун озуқа берадиган устки қатламдаги биологик жараёнда қатнашмайди.

Дарҳақиқат, май ойи жуда серғин келди. Ҳозир ўзганинг ривожланиши суст. Шу кеча-қундузда деҳқоннинг фикри-хаёли экин ривожини ўтган йилнинг шу кезлардаги ҳолатига тенглаштиришдан иборат. Шундай шароитда кечки, ривож паст гўзаларга ҳеч иккиламасдан хлорелла суспензиясини сеппи зарур.

Матлумки, пахта етиштиришда минерал ўғитлардан фойдаланиш. Деҳқонларимиз экин ҳосилдорлигини ошириш учун асосан уларнинг соф ҳолдасига таяниб иш қилишади. Бироқ гўза ривож даражиде тупроққа солинган ўғитларнинг маълум қисмига, жумла-

Бўзон йилларда шароит ноқулай келиши туфайли экин ишлари 15-20 кунга кечикиди. Шунда хлорелла деҳқонга қўл келади. У гўза ривожини яхшилаб, орадаги фарқни йўқотади. Гоҳо хлореллани белгиланган меърирдан ошириб ишлашнинг холлари кузатилапти. Бунда аввало чийитинг тез унб чийиши сусалди, шунингдек исрофгарчиликка йўл қўйилди. Яшил сув ўти билан уруғлик ивнител-ганда, ўзиде исидилини яхши сақлайди, атрофиде биологик қават ҳосил бўлади.

Чийитин хлорелла суспензиясиде ивнител экин меъери тўғрисида тўхтаб ўтсангиз, Ҳозирги об-ҳаво шароитида унинг аҳамияти нималардан иборат?

Сухбатдош: Р. САФАРОВ, «Қишлоқ ҳақиқати» мухбири.

Пудратчилар даласида

Бўз районидеги «Партия XXV съезди» жамоа ҳўжалигининг заршунослари 40 гектарга камайитиришди.

Дала меҳнатнашлари заронавий шийноларга ҳўжалик чийаришди. Улар туш пайти бериб иссиқ оқват биле таъминланадилар. Меҳнат аҳлининг фарзандлари домий ва масвумий боғчаларда тарбияланмоқда.

Экин майдонларининг 22 фоизига тўйимли чорва озуқаси — беда экилди. Бу — жамоада қишлоқ ҳўжалигининг барча соҳаларини бирдек ривожлантириш, пахта якшоқнамчилигига барҳам бериш имконини туғдиради.

Жамоа пудрати асосиде иш қоритаётган Ортиғали Сатторов, Аблазбек Абдурахимов, Хожмамаат Қодиров бошлиқ бригадаларнинг ийришқорлари пировард натижаларни қўлга киритиш мақсадиде астойдил меҳнат қилишапти. Пахта ва бошқа экинларга сифатли ишлов беришда Ўбайдулла Назаров, Муртозор Ғаниев, Хусанбой Рўзиев сингари пешқадам меҳнаткорлар намуна бўлмоқдалар.

Илгарилар озуқа экинлари, сабаот ва полиз маҳсулотлари етиштириш учун кам майдонлар акрайдилар. Жорий йилда бунга чек қўйилди. Бироқ шундай бўлсада, пахтачилик ҳўжалигимизда етакчи тармоқ саналади. Заршуносларимиз

Хўжаликда пахтакорларнинг умуми ишлари учун етарли қўлайликлар яратилди.



МАМЛАКАТ БЎЙЛАБ

ВЛАДИВОСТОК. Бу йилдаги дастлабки Арктика нарвони Чукоткага, Пенек портига жўнаб кетди. «Анадир» ва «Итарка» теллохолари «Кантан Хлебников», «Красно» ва «Ермак» музбарлари ҳамроҳлида шимолликларга озиқ-овиқ таъминоти, санот моллари, бинокорлик материаллари отказиб беради.

ДОНЕЦК. Бир пайлар шаҳарлар қишлоқларни отадиқла олиши одат бўлган эди. Волноваха районидеги олти ҳўжалик деҳқонлари ва вилот маркази қончилари бунинг ўрнига «Агроуголь» уюшмасини туғдирди. Деҳқонлар шаҳарликларга дастлабки сабаот таъминоти ва шаҳарликлардан иборат бинокорлар бригадаси жўнаб кетди. Ўз сармолларини бирлаштирган ва банкда ҳисоб варақасини очган шериклар қўшма корхоналар ва ишлаб чийаришлар қўриқининг аниқ-равшан дастурини ишлаб чийдилар. Бу корхоналар сарфлардан маблағлар ўрнини туғдиради.

ОЛМАОТА. Қозоғистон пойтахтида ўтказилган таъсис конференциясиде жумҳурият хотин-қизлар уюшмаси туғилди. Олталарни ижтимоий ҳўжаликда хотин-қизлар ҳаракатини бирлаштиришга, аёлларнинг профессионал, интеллектуал ва сийсий жиҳатдан камол топишига илтифат ана шу уюшмани туғишга ундади.

БОКУ. Бу ерда бошланган «Кўйла, бубу!» ҳалқ ижодиети унчи ҳалқор мусаба байрам кўп минг киши иштирокида қишлоқ айтиши билан нийосига етди. Ана шу кўрик билан Озарбайжоннинг тўғиз шаҳри ва районларда ўтказилган етти кўйлик рақс-кўрик мусабақаси туғди. Бу ерда иттифоқшўк жумҳуриятлар ҳамда хоржий мамлакатлардан 30 жамоа келган эди.

ЛЕНИНГРАД. «Транс-европа-нево-винки» Совет-Скандинавия экспедицияси қатнашчилари бу ёз фаслида қадимий поморларнинг навига қадимий хариталар асосиде Скандинавияда Урта денгизга борадилар. Ленинграддаги кемасолик корхонасиде «Нево» деб аталган катта кема суға туғирилди. Бу экспедицияни Ёришлар Миядлати Ташкилотининг ЮНЕСКО раҳнамолиги бўлидиган «Жаҳон маданияти ривожининг ўн йиллиги» ҳалқор дастури доирасида ўтказиш режалаштирилмоқда.

СЎНГГИ СОАТДА

ВАШИНГТОН. (ТАСС). АҚШ президенти Жорж Буш «Москвага бормоқчиман» ва СССР Президенти Михаил Горбачев билан олди даражада учрашув ўтказмоқчиман, деди ҳамда унинг ибораси билан айтганда, унинг маъмурияти гўё «Совет Иттифоқидан узоқлашганлиги» тўғрисида «газета»ларда пайдо бўлган хабарларни рад этди.

ВАРШАВА. Мамлакатда газ ҳақини 140 фоиз, электр-энергия ҳақини 110 фоиз ошириш тўғрисида қарор қабул қилинди. «Бирдамлик» умумпольша комиссияси бу тадбирнинг маъсулиятисиде набулди эмас, деди. «Бирдамлик» умумпольша комиссияси 8 май кун қўқумат билан бўлган музокаралар чоғиде мақур қасба маркази ўша кун нарх оширишга рижалаштириётганга рижали берилмагани ва қонунда қўқуматнинг қўқуматини таъкидлаб, ишнинг яри бажарилиди. Яри хали бажарилиши йўқ, деб ишобсанлини афзал қўраётганини айтди. «Учрашувга қара... ана шу муаммоларнинг ҳаммасини ҳал қила оламиз, деб ўйлайман», — деди илова қилди.

Атенлик Исроил Бош вазири өфюниялик рудийлар — фалашлар Исроилга омавий равишда ўтказиб юборилишини таъкид этишди. Берлинда эрдан учун Вашингтонга миннатдорчилик билдирилгандан кейин бир кун ўтгач, Исроил вазири АҚШ давлат қотбинини қоралаганининг таъкидиди. Шу тариха Исроил раҳбариятини Қўшма Штатлар Тель-авивнинг босиб олган араб ҳудудларида яни маъзил гоҳлар барпо этиш билан боғлиқ позициясини таъкид қилгани тўғрисидаги масалани ҳал этилган деб ҳисобламаслигига шаъма қилди. Матлумки, Бейкер АҚШ конгрессиде бундай маъзил гоҳлар қўрилиши унинг Араб-Исроил можаросидеги томонлар позицияларини яқинлаштириш билан боғлиқ ишнини аийнқиса қийинлаштирилганини таъкидлаган эди. Бейкер Исроил раҳбариятининг позициясига берган бундай баҳонини АҚШ Президенти Буш қўлаб-қувватлаган эди.

ХАРБИЙ ҚИСМ ОЛИБ ЧИҚИБ КЕТИЛДИ

АНГОЛАДА УРУШ ТУГАДИ

ПРАГА. (ТАСС мухбири Игорь ШАМШИН). Сўнгги совет харбий қисми — кўшнлар марказий гуруҳини муҳофаза қилиш батальони Миловце шаҳридан ватанига жўнаб кетди.

ПАРИЖ. (ТАСС). Анголада ўт очиниши тўқтатиш тўғрисида 15 май кун қўқумат кирган битимга рижол этилмоқда ва фуқаролар урушини «туғатгани аниқ бўлиб қолди», деди Анголада иш олиб бораётган Унита муҳолиф гуруҳининг раҳбари Жонас Савимби. Франс пресс агентлигининг хабар қилишича, у ЖАР президенти Фредерик де Клерк билан учрашгандан сўнг Преторияда журналистлар ҳузуриде сўзга чиққан. Биз қилин келажакда яни Анголани қўра бошлашимизга ишонамиз, деб таъкидлади у.

«Биз нарх оширишнинг ўрнини қоллашга довр тадбирлари «Бирдамлик» билан келишиб олишни талаб қилиамиз. Биз шу мунасабат билан 3 июнь кун музокаралар бошлашни таклиф қилдим», дейилди қасба маркази умумпольша комиссиясининг сешанба кун қабул қилинган баёнотида.

МУЗОКАРАЛАР ЯҚУНЛАНДИ

ВАШИНГТОН. Кейинги беш кун ичиде курд қочқорларидан 85 минг киши мамлакат шимолидеги қатта шаҳарларнинг бири Даҳукага, уларни доийн яшайди, ерға қайтиб келди, деб хабар берди АҚШ музофав вазирынинг расмий вақили. Ҳозир ана шу ахли истикомат жойида 100 мингдан кўпроқ курд турбди.

Чехословакияде фақат 800 офицер ва аскардан иборат совет туғатиш гуруҳи қолди. Бу гуруҳ Совет Армиясини бўлиналари фойдаланган барча ишоотларни 20 июнга қадар Чехословакия томонига топиришни керак. Совет қўшинлари олиб чиқиб кетилиши тўғрисидаги яқунлоқ ҳужжат 26 июнда июнода иш қилинмоқда, деб хабар қилди ЧТК ахборот агентлиги.

Унига раҳбари 1992 йилнинг сентябрда мамлакатда режалаштирилган дастлабки кўп партияли сайловда галаба қоилинган ишонч билдириди. «Маълумиятга учраган тақдиримизда мен унга қўқуматан ва биз урушини давом этириш учун Бушга қайтиб кетмайми», — деб таъкидлади у. Ж. Савимбининг сўзларига қараганда, «хоржий мамлакатлардан эрдан сифатида олган маблағлар армиядан буншарай анголаликларга модий эрдан қўқуматиш учун фойдаланилиши керак. Бунинг кўриши имконияти пайдо бўлганини айтди. Биз Луандада турли хизматларни жойлаштириш учун зарур бўлган меҳмонхона ва бир неча уйни сотиб олдим, деди у.

Пентагон вақилининг сўзларига қараганда, шаҳарга АҚШ қўролли қўқумат ҳарбий хизматчилардан 81 киши ва америкалик шифокорлар етди келганлар. Улар ўз уларига қайтаётган қишлоқларга таъкид қилишди. Деҳқонлар вақтида вайрон бўлган шаҳар коммунал хўжалигини, биринчи навбатда сув ва электр-энергия бериш тизимларини тикламоқдалар, шунингдек харбий ҳаракат вақтида Даҳукада қолиб кетган ўқ-дориларни зарарсизлаштирмоқдалар. Бу ишларнинг асосий қисми уч ҳафта мобайнида туғаланиши керак.

МУЗОКАРАЛАР ЯҚУНЛАНДИ

ВАШИНГТОН. Кейинги беш кун ичиде курд қочқорларидан 85 минг киши мамлакат шимолидеги қатта шаҳарларнинг бири Даҳукага, уларни доийн яшайди, ерға қайтиб келди, деб хабар берди АҚШ музофав вазирынинг расмий вақили. Ҳозир ана шу ахли истикомат жойида 100 мингдан кўпроқ курд турбди.

ЛОНДОН. (ТАСС). Ёфюниядаги вақилининг бартаврал этин юзасидан ўтказилган музокаралар туғадиде, деб хабар қилди бу ерда АҚШ

қонимиятини Ёфюния ҳалқ иницилибий демократик фронтини вақилини вақтинча бошқариб туғдиради. Бу фронт бўлиналари ҳозир Аддис-Абебадаги ахвалии назорат қилиб турибди. Г. Ноюн Ёфюния ҳалқ иницилибий демократик фронтини, шунингдек Эритрея озодлик фронтини И юлчуга ўтиш ҳўқуматини туғиш тўғрисидаги масалани ҳал этишга бағилланган конференция ўтказиши режалаштирмоқдалар.

ЛОНДОН. (ТАСС). Ёфюниядаги вақилининг бартаврал этин юзасидан ўтказилган музокаралар туғадиде, деб хабар қилди бу ерда АҚШ

„ШАРҚ ЮЛДУЗИ“ СОЧТАН ЁТДИ

Хамид Фулом,

Ўзбекистон ССР халқ ёзувчиси, СССР Давлат мукофоти соҳиби

АДАБИЁТИМИЗ ДАРҒАСИ

«Шарқ юлдузи» ўзбек совет адабиётининг китобхон олдига аристулик этибор қозонган ойномасидир. Юз минглаб мухлислар унинг ҳар бир янги сонини интизорлик билан кутинишади беиз эмас. Ёзувчиларимизнинг янги шеър, дoston, ҳикоя, қисса, романлари, долзарб муаммоларга бағишланган ўткир мақолалари илк бор шу ойнома саҳифаларида эълон қилинади.

Адабиётимизнинг мен мансуб бўлган авлоди, яъни ҳозирги вақтда ёши етмишга бориб қолган ва ундан ошган ёзувчилар адабиётга ойнома билан бир вақтда кириб келди ва шу сабабдан ҳам унинг босиб ўтган йўлини қузатиш, унинг заҳматли ишларида қатнашиш имкониятига эга бўлди.

Ҳар бир даврнинг энг яхши асарлари даставвал унда эълон қилинди ва шундан кейингина нашриётларда чоп этилди. Қўлэмаларнинг дастлабки таҳрири — бу ижодий жарабда жуда оғир ва мураккаб ишдир, сабаби, ҳар жиҳатдан мукамал, яъни нашрга тайёр қўлэмалар билан бир қаторда таҳририятта шундайлар ҳам келадилки, буларни қайта-қайта муҳокама қилишга, қўлэмалар устида муаллифлар билан иш олиб боришга, таҳрирда уларга сидқидил кўмаклашишга тўғри келди.

Ойнома дастлабки йилларда бошқа номлар билан ҳам чиқиб турган. Лекин эълон қилган асарлари эътибори-ила ҳар доим адабий жараёнинг йўналишини белгилаб берган, атоқли ёзувчиларнинг асарлари билан бир қаторда ёшлар ижодига ҳам алоҳида эътибор билан қараб келган. Умуман, жариданинг ўзбек совет адабиёти тараққиётдаги хизматлари улкандир.

Мен ўттинчи йилларнинг бошлариданоқ «Шарқ юлдузи»ни муттасил ўқиб борганман. Абдулла Қодирий, Ҷўлон, Фитрат, С. Айди, Ойбек, Г. Фулом асарлари билан илк бор шу мўътабар ойнома саҳифаларида танишганман.

Меннинг «Бизнинг лагер» сарлавҳали шеърим севимли журналист саҳифасида 1936 йилнинг февраль сонида эълон қилинди. Ушунда ойноманинг масъул котиби Абдулла Қаҳҳор, адабий ходимлари Ойдин ва Ҳасан Пулат билан танишганман.

Қарангки, орадан 55 йил ўтди ва ойноманиз бүгун ўзининг 60 йиллигини нишонлапти. Ҳозирги давр китобхонлари ўз кутубхоналаридан асарларни — эъдилинда ўзбек адабиётининг олтин жамғармасини ташкил этувчи насрий, шеърый, драматик китобларни ўқиб эканлар, у ноёб асарлар даставвал «Шарқ юлдузи» ижодхонасида таҳрир этилган, майдонга чиққанлигини эслаб қўйсалар — мана шунинг ўзи ойноманинг жонқуяр жамоаси учун энг юксак мукофот бўлур эди.

Таҳрир иши нақадар машаққатли эканини редакцияда ишлаган ҳар бир киши жуда яхши билади. Чунинчи мен ҳам 1965—71 йилларда отахон жаридани бoш муҳаррир бўлганимда қўлэмалар устида ишлаш жараёнининг иштиробларини ўз бошимдан кечирганман. Ўша йиллари ойнома жамоасида мен билан ҳамкорлик қилган заҳматқор дўстларим Шўхрат, Ваҳоб Рўзиматов, Носир Фозиллов, Лола Тожиева, Ҳ. Нисовлар қўлэмалар устида жон куйдириб ишладилар, айниқса ёшларга сидқидилдан ёрдам бердилар.

Бир воқеа ҳамон эсимда. Узоқ бир шаҳарда армия сафида хизмат қилиб юрган ёш бир ўзбек йигитидан редакциямизга уч-тўртта шеър қўлэмаси келган эди. Қўлэмани ўқиган шoir Шўхрат аскар йигитининг ўтти истадодидан ўта ҳайратланиб, шеърларни менга ўқиб берди. Биз аскар йигитининг шеърларини ойноманинг навбатдаги сониде чиқардик, муаллифга хат ёздик ва у билан доимий алоқа боғлаб, янги шеърлар ёзишга рағбатлантирдик. Аскар шoir армия хизматини тугатган, Тошкентга қайтиб келди ва ўзи хоразмлик бўлса ҳам шу ерда яшаб қолди, ижодини давом эттирди, оила кўрди ва шеърини мизда колдуздай қаплатди.

Ўша аскар йигитча ҳозирги машҳур шoirи миз Омон Матжон эди!

Ойноманизга турли йилларда муҳаррирлик қилган Ойбек, Абдулла Қаҳҳор,

Уйеун, Асқад Мухтор, Мирмуҳсин, ҳозир унинг жамоасига жонқуярлик билан раҳбарлик қилаётган Ўткир Ҳошимов ўзбек адабиёти тараққиётига, истадодли ёзувчилар янги-янги авлодларининг камол топишига, янги бадий асарларнинг ўқувчилар қўлига тезроқ етиб боришига фидойилик билан хизмат қилдилар.

Биз халқимизнинг севимли ёзувчилари, шoirлари, публицистлари, адабиётшунос олимларининг йирик асарларини дастлаб ана шу кўзгу орқали кўрамиз. Ҳар бир янги сонда Саид Аҳмад, Ойди Ёқубов, Пириқул Қодиров, Соод Шарофуддин, Шўхур Ҳолмирзаев, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Фарҳод Мусажонов, Улмас Умарбеков, Хайридин Султонов, Ҳалима Худойбердиева, Ойдин Ҳожиева ва яна номларини фахрланиб тилга олсак арзийдиган муаллифларнинг янги асарларини муштарийлар интизорлик билан кутдилар.

1985 йил қўламинида жамиятимиз тарихида янги давр бошланди. Ошкорлик ва демократия, маънавий янгиликларнинг жараёни ойнома саҳифаларида дастлаб шеъринг ва публицистикада ўзифодасини топган бўлса, тез орада бадий насрда ҳам давр муаммолари кўтарилди бошланди.

Ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиши муносабати билан унда эълон қилинган мақолалар, давр ва адабиёт масалаларига бағишланган баҳслар, мунозаралар редакция жамоасининг етуклиги ва ҳозиржавоблигидан далолат берди.

Ойноманида халқимиз, днёримиз тарихини ҳаққоний ёритишга доир жиддий масалаларга алоҳида эътибор берилмоқда. Темирйиллар даври, XIX аср рус истилоси, Ойбек араси ва ниқобдан кейинги давлат тузулиши муаммолари, «босмачилик ҳаракати»нинг туз ноҳиятини тарихий адолат нуқтаи назаридан дадил очиб берилганлиги муаллифлар ва редакция ходимларининг илмий, ижодий баркамоллигидан гувоҳлик беради.

Унинг бүгунги шодийнаси оса адабиётимиз байрамидир. Ҳаётнинг буюк уммонида илгарилар бораётган кемагаиза — ўзбек адабиётининг дарғаси «Шарқ юлдузи» алоҳида истиқбол сари оқ йўли тилаймиз.



Ойномани масъул котиб бўлиб ишлаш ҳам шарафли, ҳам масъулиятли. Таниқли ёзувчи Носир Фозиллов узоқ йиллардан бери «Шарқ юлдузи»да бу вазифани сидқидилдан бажариб келаётир. Журналининг ҳар бир янги сонини тайёрлашда унинг ўзинга хос хизмати бор.

СУРАТДА: Н. Фозиллов (чапда) ижодий ходимлар билан жариданининг янги сонини тайёрлаш жараёнида. С. МАҲКАМОВ олган сурат.

ПАРВОЗ МАЙДОНИ

Бугун Ўзбекистон ССР Ёзувчилар уюшмасининг отахон ойномаси — «Шарқ юлдузи» ўзининг 60 йиллик байрами нишонламоқда. Мухбиримиз жариданинг масъул котиби Носир ФОЗИЛЛОВ билан мажалланинг ташкил топиши тарихи ва ривожланиш босқичлари, халқ хўжалигини тиклашдаги хайрли ишлари ҳусусида суҳбатлашдик.

— Жариданининг ташкил бўлишига асосида 70 йил бўлди. Афсуски, биз унинг 50 йиллигини ўтказганимизда жиндайд хатога йўл қўйган эканмиз. Бўлмаса шу кунларда ўзининг 70 йиллигини нишонлаётган бўларди.

Ойноманиз 1931 йилда «Курйилиш» деган журнал асосида ташкил топган. Ўз даврида у «Ўзбекистон шўро адабиёти», «Совет адабиёти», «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» сингари турли номлар билан чоп этилиб келган.

1946 йилдан бошлаб, сукули ёзувчилар Ойбекнинг тақлиди ва ташаббуси билан «Шарқ юлдузи» деб атала бошланди.

Қадим-қадимдан адабиёт ҳаётининг йўлгузи ҳисобланиб келинган. 30-йиллардан ойноманида асосан улкан курилдилар, кўтаринки меҳнат таронасини тасвирловчи асарлар босилди.

1934-35 йилларда, истадодли адибларга миллатлик, халқ душманлиги деган ёрлнқлар ёпиштириш бир оз кайтаётган учун Абдулла Қодирийнинг «Обид кетмон», Ҷўлоннинг «Кеча ва кундуз», Абдулла Қаҳҳорнинг «Сароб», Ойбекнинг «Дил чор»-давр қиз» асарлари чоп этилди. Фитрат, Рафур Фулом, Усмон Носир, Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Уйеун, Ёлбек каби шoirларнинг шеърый асарлари журнал саҳифаларидан ўрин олди.

Шеър, Абдулла Қаҳҳорнинг «Кўшчиноч чироқлар», Парда Турсуннинг «Ҳақ йўл» қиссаси, Саид Аҳмадининг «Қадрдон дала» қиссаси ва яна ўнлаб асарлари алоҳида таъкидлаб ўттиш мумкин.

Шунга ўхшаш ҳар бир давр ўз шабадасини, ўз ифориини адабиётимизга олиб кириб, унинг турғун ҳавосини тозалаб турди.

Ҳар бир даврнинг адабиётда ўзинча ижодий ва салбий таъсири бор. Масалан, 60-йиллар алоҳида бир давр бўлса, 70-йиллар ҳам ўзинга хос босқич сифатида из қолдириди. 80-йилларни, яъни ошкоралик, демократия, қайта кўриш даврини илгари ўтган даврлар билан мутлақо қиёслаб бўлмайди.

Зеро, бугун ойноманида қанчадан-қанча иллатлар ошкора айрилиб, халқимизнинг дил чигилини ёзмақда. Назаримда, биргина «Қуръон»нинг таржимасини айтиб ўтти киёфи. Ўтган йилларда бу муқаддас китобни чоп этиш мумкинмиди, ахир.

«Шарқ юлдузи» янги-янги истадодларни учинга шайлабдиган майдонга ўхшайди. Ҳозирда ойноманида деярлик 90 фоз ёшлар иштирок қилаётганини кузатиш мумкин. Унинг ҳамкиҳат жамоаси кўп сонли муштарийларининг яхши романилар, қиссалар, дostonлар, мақолалар билан хурланд қилаверди. Ўйлаб қўйган янги режаримиз кўп. Уларни амалга оширсан, муштарийларимиз хурсанд бўлишлари муқаррар.

Журналимизнинг август сониде Фитратнинг «Восий кўзголи» пьесаси, ёш шoir Шойиб Бўтаевнинг «Кўргойлаган ой» романи, шoir Эркин Самандарнинг «Аждодлар қиличи» драматик дostonи, 20-йиллар шoirи Рафур Мўминнинг шеърлари ва яна талайгина диникорил материаллар билан танишасиз.

Билим юртига 9, 11-синф ҳажмида МАЪЛУМОТГА ЭГА БУЛГАН ЙИГИТ ВА ҚИЗЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

3—3,5 йиллик ўқини тугатганларга ўрта маълумот ҳақида ҳужжат билан мутахассислиги тўғрисида диплом берилади. 2 йиллик фермер гуруҳларига Совет Армияси сафидан қайтган йигитлар қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳлари ўқувчиларга босқичма-босқич текширув натижаларига кўра ҳар курсдан сўнг мутахассислик бериб борилади.

Ўқувчилар кўнига 3 маҳал бепул овқат, кийим-бош, стипендия ва ишлаб чиқариш практикаси давридаги меҳнат ҳақининг 50 фозини билан таъминланадилар.

Билим юрти аёло баҳолар билан битирганлар олий ва ўрта махсус ўқув юрталарига имтиёбли равишда қабул қилинадилар.

Фермер гуруҳларининг ишлаб чиқариш практикаси Ватанимиздаги фермер хўжалиқларида ва хоржий мамлакатларда ўтказилади.

Ўқини мuddати иш стажига кирди. Билим юрти замонавий бинога жойлашган, бадий ҳаваскорлик тўғрага ва спорт секциялари ишлайди.

Билим юрти директори номига ёзилган арзига куйидаги ҳужжатлар қўшиб топширилади: тугилганлиги ҳақида гувоҳнома ёни паспорт (асли), маълумоти ҳақидаги гувоҳнома (асли), турар жойидаги справка, ота-онасининг иш жойидан справка, 6 дона фотосурат 3х4 см, 086/У формадаги медицина справкиси.

МАШГУЛЛАР 1 СЕНТЯБРДАН БОШЛАНДИ ВА ФАҚАТ ЎЗБЕК ТИЛИДА ОЛИБ БОРИЛАДИ. ҲУЖЖАТЛАР ҲАР КУНИ СОАТ 8.00 ДАН 16.00 ГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Билим юрти маънаволиги: Тошкент вилояти, Оржоникидзе ноҳисси, Геофизика кўрғончаси, М. Горький метроси — Тузель автобусининг «Геофизика» бекати (21, 63, 73, 112-шаҳар автобусларининг охириги 1-«Қорасув» даҳаси» бекати), телефон 64-31-34.

СПОРТ

Учинчи ҒАЛАБА

Мамлакатимиз терма жамоаси Европа биринчилигининг навбатдаги саралаш учрашувини ўтказди. Футболчиларимиз бу сафар Кипр терма жамоаси билан куч синашдилар. Ҷўнинг биринчи бўлими 1:0 ҳисобида тугади. Бунда йигирманчи дақиқада Мостовой ўзини кўрсатди.

Иккинчи бўлим ҳам вакилларимизнинг устуңлиги остида ўтди. Аввалига Михайличенко, сўнгра Корнеев ва Алейников меҳмонлар дарвозасини аниқ ийшонга олдилар. Натияжада терма жамоамиз йирик ҳисобда (4:0) устуң келди. Бу уларнинг саралаш мусобақасидеги учинчи ғалабаси бўлди. Мазкур ютуқдан сўнг вакилларимиз ўз гуруҳларида янча пешқадам бўлиб олдилар.

Ўйинлар жадавали

СССР	У	Т	О
Италия	4	7	0
Венгрия	4	8	2
Норвегия	6	8	7
Кипр	4	6	2

СОВРИН ЭҒАСИНИ ТОПДИ

Италияда Европа чемпионолари лбоги учун финал ўйини ўтказилди. Бунда Франциянинг «Марсель» ва Югославиянинг «Црвена звезда» клублари учрашдилар.

Томошбинлар кескин ва қизиқарли вазиыатларга бой ўйиннинг шоҳиди бўлишлар. Биринчи ва иккинчи бўлимларда ташаббус францияликлар томониде бўлди. Югославияликлар асосан ҳимолга эътиборини қучайтириб, қарши ҳужумда ҳаракат қилдилар.

90 дақиқа давомийда рақиблар муваффақиятга эриша олмадилар. Қондага кўра ҳар бири 15 дақиқадан кўшимча икки бўлим белгилади. Бунда ҳам дарвозани тар дхлисиз қолди. 11 метрди нуқтадан жарима ўйини тешишда омад «Црвена звезда» клуби томониде бўлди. Шундай қилиб, Европа чемпионолари кубогини югославиялик футболчиларга теғди.

ГРЕЦИЯ САФАРИ

«Пахтакор» олий гуруҳдаги танаффус муносабати билан Грецияда бўлиб қайтди. Футболчиларимизни бу ерда «Бухоро — Омега Фурс» қўлма корхонасининг президенти Г. Псароматис тақлиф этган эди.

«Пахтакор» дастлаб Салоникнинг «Ираклис» клуби билан ўртоқлик учрашувини ўтказиб, 2:5 ҳисобида имкониятини бой берди. Кейин Афинанинг «Олимпика» жамоасига ютказди — 3:4. Охириги ўинда «Омега Фурс» клубини 5:1 ҳисобида еттиди.

Маълумки, Киев динамовчилари билан бўлган ўинда Оганесни оғир жароҳат олган эди. Шу муносабат билан унга Грецияда даволавишга тўғри келди. Хорен Олег Влохиннинг тақлифи билан машҳур мутахассисга мурожаат қилди. У тежда операция ўтказиш заруригини айтди. Бу жароғи муваффақиятли ўтди. Таъкидлаш жоизки, даволашнинг ҳақини «Омега Фурс» ўз ҳисобидан ажратди. Хорен ҳафта охирида Тошкентга қайтди.

Муҳаррир Н. ЕҚУБОВ.

МУШТАРИЙ КАЛОМИ

«Шарқ юлдузи» жаридасининг фаолият кўрсатаётганига 60 йил тўлди. Ўтган давр янча жамиятимиз равишига, халқ турмушига доир қўлаб мақолалар, мунозарали навзаларни ёритиб, ойнома ўзининг беҳисоб ўқувчиларига эга бўлди.

Биз яқинда жойларда бўлиб, меҳнатқашларнинг ойнома ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ёзиб олдик.

Ашурмаҳмат АШУРОВ. Сурхондарё вилояти, Сарисан районидеги Карл Маркс номида жамоа ўқувчилиги боғбони: — Онингнинг айтсам, ўн йил илгари «Шарқ юлдузи» жаридасини варақлашга унча ширтекими йўқ эди. Чунки унда асосан ижод намуналарини бериб бориладди. Мунозаралар мақолалар жариде саҳифаларидан туниб қолганди. Яқинда «Қуръоннинг таржимаси» чоп этилаётганини эшитиб, жуда хурсанд бўлдим. Эндиликда жаридани билан бир сонини катта қизиқиш билан ўқиб бораеман. Ҳозирга қадар муқаддас ҳақларини ўқидан бенавис эдик. Чунки кўп икчилар араб алифбосида ўқиб ва эзини билмас эдилар. Шу босим ойнома ходимлари хайрли ишга қўл уришди. Шу муносабат билан эндиликда ойноманида, кўпроқ ахлоқ-адобга доир мақола ва адабий чиқишлар уюштирилса айни мuddао бўлур эди. Унинг нарининг ошмишга келганда, агарда берилаётган мақолалар муштарийларнинг талаб ва истаклари даражасида бўлса, бу муаммо уларни кўп ташвишга соймайди.

Имёз ГУЛОМОВ. Тошкент вилояти, Оржоникидзе райони, «Қизил Ўзбекистон» жамоа ўқувчилиги аъзоси: — Мен ўн йилдан бери босибонлик қилаётирман. Шу йиллар давомида «Шарқ юлдузи» жаридасига оубна бўлиб келардимокдман. Ҳар бир сониде чоп этилган ҳикоятини ёки бирор мақолаини ўқитганимда гўё ўшининг ичиде ўзимни юргандек ҳис қиламан. Кўпроқ оилавий мессалхатлар ҳақида ҳикоялар берилиб борибса, менимча, ёмон бўли-

РУҲИЙ МУОЛАЖА — СИЗ УЧУН

ЎЗБЕКИСТОН АХОЛИСИНING КЎП СОНЛИ ИЛТИМОСЛАРИ ВА ТАҚЛИФИГА КЎРА ЖУМҲУРИЯТИМИЗДА ТАҚРОНИ РАВИШДА ВА ТОШКЕНТ ШАҲРИДА БИРИНЧИ МАРТА МАШҲУР РУҲШУНОС-ШИҶОКОР, ВИННИЦА ХАЛҚ ТАВОБАТИ .МАРКАЗИНИНГ ЕТАҚЧИ ШИҶОКОРИ

АЛЕКСАНДР ГРИГОРЬЕВИЧ ОВСЯНЮК

ДАВОЛАШ - СОҒЛОМЛАШТИРИШ СЕАНСЛАРИ ТУРКУМИНИ ЎТКАЗАДИ

Унинг иш фаолияти ва беморларни даволаш услуби ҳақида марказий матбуот саҳифаларида ва марказий телевидение орқали бир неча бор батафсил ҳикоя қилинган. Мана, 1989 йилнинг ноябрь ойидан буюн Бутуниттифот радиосининг 1-программаси орқали «Мушса ва руҳий муолажа» дастурида мунтазам равишда бериб келняётган сеанслар кенг эътибор қозонмоқда. Шунингдек, Мар-

«ҚИШЛОҚ ҲАҚИҚАТИ» («Сельская правда») Газета Центрального Комитета Компартии Узбекистана Выходит на узбекском языке.

БУЮРТМА № 5386.

казий телевидениенинг 1-программасида «120 минут»да намойиш қилинаётган «Саломатлигинизга бағишланган 10 минут» руқни ҳам кўпчиликка манзур бўлмоқда.

Унинг аллергияга хос таъсирларни бартараф этиш соҳасидаги услубий мамлакатимиз ташқарисида ҳам улкан қизиқиш уйғотди. Моссевет номидаги киноконцерт залида қарий 2 йилдан бери ўтказилаётган соғломлаштириш сеанслари москваликлар орасида айниқса машҳур.

Бу сеансларда иштирок этганларнинг эътирофи шунча, уларнинг кўпчилиги дудуқланишининг оғир кўринишлари ҳафакон, томнрларнинг варикоз кенгайиши, қандли диабет, хар хил неврозлар, бронхит астма, юрак-қон томир касалликлари, ошқозон яраси, буйрак хасталиқлари, Ғғ босиш, пешобни тута билмаслик ва бошқа касалликлардан фориғ бўлганлар.

Агар Сиз хасталиқларга қарши курашда организмизнинг янги имкониятларини ишга солмоқчи бўлсангиз, Сизни руҳшунос-шиҶокар Александр Григорьевич Овсянконинг даволаш-соғломлаштириш сеансларида кутамиз.

СЕАНСЛАР 31 МАЙ, 1, 2 ИЮНЬ КУНЛАРИ СОАТ 11.00 ВА 14.00 да

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИ ВИНОСИДА ЎТКАЗИЛАДИ. Чипталар Тошкент давлат цирки кассаларида сотилмоқда.

Телефонлар: 44-35-91, 44-29-04, 44-18-11, 44-35-84. ШИЗОФРЕНИЯ, ТУТҚАНОҚ, АҚЛИЙ ЗАИФЛИК БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАР, ШУНИНГДЕК, МАСТ КИШИЛАРНИНГ СЕАНСЛАРГА ҚАТНАШИШИ ТАҚИҚЛАНАДИ. Мақтабгача ёшдаги болаларнинг сеансларга кириши мумкин эмас.

МАНЗИЛГОҲИМИЗ: 700083, ТОШКЕНТ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32

32-56-22. Совет қурилиш бўлими — 32-56-34. Деҳқончилик бўлими — 32-56-35, 32-54-51. Чорвачилик бўлими — 32-56-33. Қишлоқ қурилиш бўлими — 32-54-44. Маданият, адабиёт ва санъат бўлими — 33-54-33. 32-56-36. Ахборот ва спорт бўлими — 32-54-46, 32-56-39. Хатлар ва оммавий ишлар бўлими — 32-54-52. Бозорчи бўлими — 32-58-79. Эълонлар бўлими — 33-81-42.

Ўзбекистон ССР Халқ таълими вазирлиги Тошкент вилояти халқ таълими бошқармаси 12-ХУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ

1991—1992 ўқув йили учун ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

ФЕРМЕР-ЧОРВАДОР (чорва молларига ветеринар ишлов бериш оператори, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоналли автомобиль хайдовчиси ва чорва фермаси механизатори мутахассисликлари берилади) — ўқини мuddати 2—3,5 йил.

ФЕРМЕР-АСАЛАРИЧИ (асаларчи, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоналли автомобиль хайдовчиси ва дуралтюр мутахассисликлари берилади) — ўқини мuddати 2—3,5 йил.

ФЕРМЕР-ЎСИМЛИКШУНОС (мева-сабаботчилик устаси, электромонтёр, кенг ихтисосли тракторчи-машинист, «В» ва «С» тоналли автомобиль хайдовчиси, трактор ва автомобилларни тузатувчи чилангар мутахассисликлари берилади) — ўқини мuddати 3 йил.

АСАЛАРИЧИ — ўқини мuddати 1 йил. ЧОРВА МОЛЛАРИГА ВЕТЕРИНАР ИШЛОВ БЕРИШ ОПЕРАТОРИ — ўқини мuddати 1—3 йил. ҲУЖЖАТЛАР 14 АВГУСТГАЧА ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

Ўқувчилар 19 августдан бошлаб биологиядан имтиҳон топширадилар ва касб йўналиши буйича суҳбатдан ўтадилар.

ТЕЛЕФОНЛАР: Мухаррир ўринбосарлари — 33-44-43, 32-56-21, 33-16-27, 32-54-41, Масъул котиб — 33-09-93, 32-56-26. Масъул котиб ўринбосарлари — 32-56-25, 32-54-48, 32-54-47. Партия турмуши бўлими — 33-54-33, 32-56-36.